

Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил

Обод турмуш йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-ЙИЛ 11-ИЮН, СЕШАНБА, 71 (8152)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Bahosi kelishilgan narxda.



Бахмал туманида боғдорчилик ва узумчилик йил сайин янги тараққиёт йўлига тушмоқда. Бунда "Бахмалвино" шўъба корхонаси ишчиларининг ташаббускорлик ва тadbirkorликларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Негаки, улар 100 гектар тошлоқ майдонни тоқзорга айлантириб, бу йил 60 гектаридан дастлабки ҳосилларини йғиб-териб олишга тайёрланишпти.



Самарқанд тумани маркази – Гулободда фаолият кўрсатаётган "SAM ROS XOLOD" қўшма корхонасида замонавий қурилиш материаллари – уч қатламли деворбоп ва том ёпиш учун сандвич-панеллар, профнастил, пенополистирол маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Замонавий ва ҳар томонлама тежамкор ускуналар ишлаб чиқариш қуввати ошиб боришига, маҳсулот таннархининг пасайишига хизмат қилмоқда.



Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтказилган таэквондо (ITF) бўйича III Осиё чемпионида 33 олтин, 32 кумуш ва 36 бронза медални қўлга киритган Ўзбекистон спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА



АҲОЛИГА ЗАМОНАВИЙ УЙ-РЎЗҒОР БУЮМЛАРИ

Бекобод шаҳридаги «Ўзбекистон металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти томонидан қурилиш ва саноатбоп материаллар билан бир қаторда кўплаб замонавий уй-рўзғор буюмлари ҳамда хўжалик моллари ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Бугунги кунда цехимизда чойнак, лаган, тоғора, манти қасқон сингари рўзғор учун зарур бўлган идишларнинг 43 хили тайёрланоқда, — дейди халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Аҳмаджон Узоқов. — Ўтган йили 2 миң 164 тонна маҳсулот тайёрлаган эдик. Обод турмуш йилида аҳолининг уй-рўзғор буюмларига эҳтиёжлари сезиларли даражада ортаётди. Шу боис, фаолиятимизни кенгайтириш ва маҳсулотларимиз турини кўпайтиришни режалаштирялмиш. Ҳа, комбинат маҳсулотларининг сифати тобора яхшиланиб, уларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Тайёр рўзғор идишлари шу ернинг ўзида қадоқланиб, Тошкент, Бухоро, Андижон ва Фарғона вилоятларидаги савдо дўконларига пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Иброҳим ТОШЕВ

Андижон Вилояти

ФЕРМЕРНИНГ САВДО МАЖМУАСИ

Ўтган йили Хўжаобод туманидаги боғдорчиликка ихтисослашган «Гулистон шарофати» фермер хўжалиги раҳбари Қаҳрамонжон Собиров Олтин водий қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги бўш ётган бинони 100 миллион сўм ҳисобига таъмирлаб, чорвачилик фермаси барпо этганди.

Яқинда бу ерга хоридан 100 бош насли қорамол келтирилди. «Агробанк» туман бўлими кредити ҳамда фермернинг ўз жамғармаси ҳисобидан қарийб 400 миллион сўм амалга оширилган мажмуада мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши туфайли ёшлар учун 15 та иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, ташаббускор фермер қишлоқ марказида маиший хизмат мажмуасини фойдаланишга топширди.

Нурилло НЎЪМОНОВ

Навоий Вилояти

МЕҲНАТЛАРИ БИЛАН ИЛҒОРЛАР САФИДА

Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Марказий кон бошқармаси таркибидagi «Қизилқум» геология-қидирув экспедицияси жамоаси олтин захираларини аниқлаш учун геология-қидирув ишларини амалга оширади.

384 нафардан ортик турли касб эгалари бирлашган жамоа бугунги кунда «Чуқурқудук», «Умид», «Қарашаха», «Қизилтош» ҳудудларида бурғулаш ва баҳолаш ишларини олиб бормоқда.

Ишлаб чиқаришда кўзланган мақсадларга эришиш кўп жиҳатдан мутахассислар масъулияти, билим, тажриба ва касбий маҳоратига боғлиқдир. Жамоада кўп йиллардан бунён самарали меҳнат қилиб келаётган малакали мутахассислар Норбой Исломова, Анвар Арапов, Азим Восиев, Камол Бобанов, Низом Тўраевлар ҳар ойда режани ошириб бажаришдан ташқари, ёш ишчиларга касб сирларини ўргатмоқдалар. Бурғуловчи Нуриддин Назаров 2010 йилда меҳнатда эришган ютуқлари туфайли «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. У каби жонқуяр мутахассислар устакларнинг материаллар, эҳтиёт қисмлар, техника, транспорт, ортиш-тушириш механизмларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, зарур харажатларни ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш, бурғулаш асбоб-ускуналаридан техник жиҳатдан тўғри фойдаланиш, уларни сифатли таъмирлаш ишларига бош-қош. «Қизилқум» геология-қидирув экспедицияси жамоаси олдига катта вазифалар турибди. Жорий йилда бир неча геология-қидирув қудуқларини қазиб мўлжалланган. Қорхона фахрийлари тўплаган бой тажриба, ёш ишчилардаги ғайрат-шижоат бу режаларни удалаш имконини беради.

Гулшанда БОБОМУРОДОВА

ФАРҒОНАДА КЎРИШГУНЧА ХАЙР!

БУХОРО ШАҲРИДА «УНИВЕРСИАДА – 2013» СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИНГ ФИНАЛ БОСҚИЧИ ЯҚУНЛАНДИ

...Байрамона безатилган «Бухоро» марказий стадиони узра олий ўқув юртлири талабаларининг «Универсиада – 2013» республика спорт мусобақалари машъаласи порлаб турибди. Майдонни тўлдирган ёш спортчилар ва артистлар мазкур спорт форумига бағишланган вокал-хореографик композицияни ижро этмоқда. Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими бошланди. Майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри терма жамоалари кириб келади. Энг ҳаяжонли дақиқалар – фолибларни тақдирлаш маросими бошланди. Мусобақада энг кўп медал жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси юксак мукофот – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Универсиада – 2013» спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси – «Дамас» автомобили билан тақдирланди. Умумжамоа ҳисобида иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган Самарқанд ва Андижон вилоятлари жамоаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси – «Дамас» автомобиллари топширилди.



Муҳаммад АМИН, Тоҳир ИСТАВРО (ЎЗА) олган суратлар.

Мурасосиз курашлар остида ўтган мусобақаларда алоҳида маҳорат кўрсатган, ирода ва ғалабага интилишини намоён этган, тенгқурлари орасида юқори натижа-

ларга эришган бир гуруҳ спортчиларига тақдирланди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ва бунинг самарасида маҳоратли спортчилар сафи кенгайиб бораётгани бу галги

Универсиада беллашувларининг юқори натижалари ва рекордлари ҳам намоён бўлди, — дейди «Универсиада – 2013»нинг стол тенниси бўйича олтин медал соҳибаси, пойтахтлик Нодира Бурхонжўраева. — Юртбошимизнинг биз, ёшларга эътибори ва ишончи бизни халқаро ареналар сари

дадил одимлашимизда муҳим омил бўлаётди.

Олимпия тамойиллари, ҳолислик, ҳалоллик, адолат, ўзаро дўстлик, рақибга ҳурмат каби умуминсоний қадриятлар бош мезон бўлган Универсиада беллашувларида иштирокчиларнинг кўрсаткичи ва натижалари тобора ўсиб бораётгани кузатилди, кўплаб янги рекордлар ўрнатилди. Бу келажакда Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида Ватанимиз байрогини баланд кўтаришга қодир спортчилар захирасида иқтидорли ёшлар сафи кенгайиб бораётганининг яна бир далилидир.

Мусобақаларда маҳорат кўрсатган спортчи ёшларнинг аксарияти энди Бутунжаҳон Универсиадасида қатнашади. Шу йилнинг 6-17 июль кунлари Россиянинг Қозон шаҳрида ўтайдиган ушбу нуфузли мусобақада саксон нафар спортчида иборат Ўзбекистон спорт делегацияси спортнинг ун-тўрт тури бўйича фолиблик учун куч синашди.

(Давоми 2-саҳифада)

Буюк давлат арбоби, қомусий атола, ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намоёнчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва серқирра фаолияти халқимизнинг шонли тарихида алоҳида ўрин тутди.

БОБУРШУНОСЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

Бобур Мирзонинг турли соҳаларга оид бебаҳо ва бой илмий-адабий мероси, айниқса, миллий адабиётимиз хазинасидан муносиб жой олган «Бобурнома» асари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Шу билан бирга, шоир, тарихчи олим, табиатушнос, моҳир саркарда, улкан арбоб сифатида маърифий дунё томонидан тан олинган бу буюк шахс ҳақида Европа, Осиё, Америка ва бошқа қитъаларда ўнлаб-юзлаб илмий тадқиқотлар, бадий китоблар яратилган ва бугун ҳам яратилмоқда. Юртбошимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: «Бобумиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрланасак арзийди. Ўзбек халқининг доврўғини дунёга таратган улуг аждодларимиздан бири ўларок, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайдди, муқаррар тарзда саодатга эришади». Мустақиллик даврида юртимизда кўплаб аждодларимиз қаторида Бобур Мирзога бўлган эътибор ҳам юксак поғонага кўтарилиб, унинг ижоди ва фаолиятини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган давр мубайнида шоирнинг назмиий девонлари, «Бобурнома», «Аруз рисоласи», «Волидия» сингари нодир асарлари қайта нашрдан чиқди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЮКСАК ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида илм-фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат соҳаларига улкан эътибор қаратилиб, хусусан, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган атоқли адиблар, фан ва маданият намоёндаларининг хотирасини эъзозлаш, қутлуғ меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 май кунини қабул қилинган «Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннунова хотирасига Тошкент шаҳрида ҳайкал ўрнатиш тўғрисида»ги қарори асосида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида яна бир муаззам бадий обиданинг бунёд этилиши ана шу эзгу ишларнинг мантиқий давомидир. Бевоситта давлатимиз раҳбарининг ташаббуси асосида яратилган ушбу ҳайкал тимсолида собиқ мустабид тузум давридаги қийинчилик ва машаққатлар, хижрон ва айрилиқ азобларига қарамасдан, вафо ва садоқат намунасини кўрсатиб, оғир синновларда тобланган, гўзал бадий асарлари орқали халқимизга хос инсонийлик, сабр-



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

бардош ва меҳр-оқибат фазилатларига ўз шахсий ҳаётларида амал қилиб, бу туйғулари бетақдор асарларида юксак пардаларда тараннум этиб яшаган икки улуг ижодкорнинг ёркин сиймоси таъсирчан бадий-эстетик воситалар орқали ифода этилган. Шу йилнинг 10 июнь кунини — атоқли адиб Саид Аҳмад таваллуд тоған кунда ҳайкалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий боғига ижодкор зиёнатлар, талаба ва ўқувчи ёшлар, маҳалла ва меҳнат жамоалари вакилларида иборат кенг жамоатчилик тўпланди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси

Х.Султонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири А.Орипов, Ўзбекистон халқ шоири О.Ҳожиева, Саид Аҳмад ва Саида Зуннуваннинг фарзанди Н.Хусанжўраева ўзбек миллий адабиёти ва маданияти ривожига улкан хисса қўшган, бетақдор ижоди ва ибратли ижтимоий фаолияти билан ўзлигимизни англаш, ёш авлодни она Ватанга севиғи ва садоқат туйғуси, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш йўлида беқиёс хизмат қилган атоқли адибларимизга кўрсатилаётган юксак эъзоз ва эҳтиром ҳақида сўзладилар.

(Давоми 2-саҳифада)

Жиззах Вилояти

БАХМАЛНИНГ НАҚШ ОЛМАСИЮ ТИЛЁРАР УЗУМИ ТАЪРИФГА СИҒМАС

Бахмал табиати жуда хилма-хил. Ҳар куни йилнинг тўрт фаслини намоён этувчи об-ҳавоси, табиий шарт-шароити, ноёб экзотик рельефи туманда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш имкониятини берса-да, бахмалликлар ўша меҳнатталаб боғдорчилик, сабзавотчилик, картошкачилик, лалмикор деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини эгаллашган. Бу соҳаларда алақачон донг таратиб, шўҳрат қозонишга ҳам муваффақ бўлишган. Масалан, ҳақиқдай қип-қизил ва болдай ширин олмаларини олайлик. Юртимизнинг қайси бозориди бўлманг, пештахталарида Бахмал олмалари пайдо бўлиши биланоқ харидорлар ўша пештахталарни қуршаб олишади ва улар бошқалардан аввал сотилиб кетади.

— Биласизми, нега шундай? — дейди туман фермерлар кенгашининг раиси Фахриддин Саримсоқов яримпакана дарахт новдасидаги ғуж-ғуж олма ғўраларини кўздан кечираркан. — Негаки, бизнинг боғбонларимиз асосан, тоғ ёнбағирлари, адир ва дараларда, ҳатто, баланд қоя ва чўққиларга ёндош юксакликларда дарахт ўстириб, олма етиштиришади. Шу боис, олмалари куёшдан нур, тоғ лолаларидан ранг, тош ва маъданлардан қувват, минг бир кўзли чашмаларнинг зилол сувларидан шарбат олиб, етिलाди. Шунинг учун улар бирмунча кеч пишса-да, олма пишғидан келгуси йил шу муддатгача на таъми, на ранги бузилмай, янги узилгандай сақланади. Уларнинг алвондай қизиллигини ҳам, артилган шишадан тиниклигини ҳам кўйинг, ниҳоятда шифобахшлигига гап йўқ. Ошқозон, ичак, жигар, ўт қоғи, оғиз бўшлиғи, тиш милклари ва бошқа аъзоларини тозалайман деган ҳар бир киши бизнинг олмамиздан ўтадиган дориворни топиши қийин. Асаб тизимини асрай, деб кечки уйку олдиндан бир дона олмамизни еган азаматинг кайфияти чоғ бўлади. Шу боис, боғларимиз олмалари қизара бошлаши биланоқ, боғбонларимиз ҳовилларидан "мехмон" узилмайдилар. Уларнинг шартнома қоғозлари узатгани қайси, олдиндан "хамир учидан патир", яъни закатат бериб қўймоқчи бўлаётгани қайси... ишқилиб, олмалар бошқа харидорга сотиб юборилмас бўлди. Олмамларимиз юртимиздан ташқарида ҳам жуда харидордир.

жуда кўп. Қирққилоқлик Келдибек Тўйчиев, Синдор Гулбоев, ойқорлик Абдуваҳоб Абдувоҳидов ва бошқалар узоқ йиллардан бери боғдорчилик билан шуғулланиб, ўз боғларида олма ва бошқа мевалардан мўл ҳосил етиштириш билан бирга, дарахтлар навларини яхшилашга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Собиқ журналист ва нашриётчи, ҳозирда тажрибали боғбон Келдибек Тўйчиев туманнинг шундай жонкуярларидан бири. Етмиш ёшдан ошганига қарамай, у фарзандлари ва набиралари кўмағида уйи яқинидаги Тошларидан бир гектардан зиёд ер ўзлаштириб, серҳосил олмазор вужудга келтирди ва икки хил янги олма нави яратди.

Эндиликда боғбонлар интенсив

боғлар яратиш, кўпайтириш саъй-ҳаракатларини ҳам авж олдиришяпти. Масалан, тумандаги "Тошкентвино" комбинати очик акциядорлик жамиятига қарашли "Бахмалвино" шўба корхонаси ишчилари бултур 22,7 гектар тоғолди адирларида Польша яримпакана нав олмазорини яратилганди. Бу йил уларнинг ушбу интенсив боғ олмалари нишона ҳосилга кирди. Айна пайтда улар баравар ривожланиётди. Бундан ташқари, туманнинг бошқа хўжалиқларида ҳам 100 гектарга яқин интенсив боғлар барпо этилган. Тажрибали боғбонлар бундай боғларни намунали парвариш билан бирга, келажда уларни Бахмал олмалари билан чатиштириб, маҳаллий интенсив боғлар яратиш чора-тадбирларини ҳам кўришаётди.



Туман фермерлар кенгаши раиси Фахриддин Саримсоқов (чапда) "Бахмалвино" шўба корхонасининг интенсив боғи ҳосилоти Бахтиёр Алимардонов билан соҳани ривожлантириш хуСУСИДА ўзаро фикр алмашмоқда.

ИНТЕНСИВ БОҒЛАР КЕНГАЙМОҚДА



Токзор ишчилари — Сайқарим Эшмаматов ва Илашбой Нуржоев.

Илгарилари ота-боболаримиз узумчиликдан ҳам яхши даромад олишган. Узумчилик туманнинг Новқа, Тонготар, Гулбулоқ ва бошқа қишлоқларида жуда ривожланган. Шўролар тузуми йилларда соҳибкорлар етиштирган санаотбоп ва хўраки узумлар ҳам қўшни Булунғур туманидаги узум қайта ишлаш корхонасига арзон нархларда топширишга мажбур қаратилди. Узумларимиздан эса ширин шарбатлар олиниб, Россияга хўнатирилган. Эндиликда Истиқлол туфайли узумчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида биргина жорий йилнинг ўзиде 189 гектар майдонда янги токзорлар яратилди.

Ҳа, туманда боғдорчилик ва узумчилик йил сайин янги тараққиёт йўлига тушмоқда. Бунда "Бахмалвино" шўба корхонаси ишчиларининг ташаббускорлиги ва тадбиркорликларини алоҳида эътибор эйтиш жоиз. Негаки, корхона жомаси юқорида айтилгандай, ўтган йили 22,7 гектар майдонда интенсив олмазор яратиш билан бирга, бултур ва бурноғи йилларда 100 гектар тошлоқ майдонни токзорга айлантириб, бу йил 60 гектаридан дастлабки ҳосилларини йиғиб-териб олишга тайёрланишяпти.

— "Тошкентвино" ОАЖ маъмурияти соҳибкор ва сабзавоткор туманимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш цехи бўлиши мақсадга мувофиқ деб

топди, — дейди "Бахмалвино" шўба корхонаси бош муҳандиси Исоқ Ҳасанов. — Шунинг учун жорий йил бошида қорхонамиз қошида шундай цех қуришга киришдик. Яқин кунларда унда қурилиш ва жиҳозлаш ишларини тугаллашмиз. Пишиқчилик мавсуми давомида 4 минг тоннадан зиёд олма, ўрик, узум, помидор, бақлажон, булғор қалампир ва бошқа маҳсулотлар қабул қилиб, шарбатлар, маринадлар ҳамда бошқа ноз-неъматлар ишлаб чиқара бошлаймиз. Цехимиз ёнида 2 минг тонна сигимли омборхона ҳам қураётимиз.

Айни пайтда ушбу қурилишда 50 нафар қурувчи-бунёдкор унумли меҳнат қилмоқда. Цех ишга туширилгач, яна ўттиздан зиёд қишлоқ ёшлари билан таъминланади.

Дарвоқе, айни пайтда корхонага қарашли интенсив боғ ва янги токзорларда ҳам 30 нафардан зиёд ёшлар ишлаб, боғбонлик ва соҳибкорлик сир-асрорларини ўрганмоқдалар. Корхона цехларида эса 23 нафар киши меҳнат қилаётди.

Ҳа, бахмалликлар боғлар ва токзорларни кенгайтириш билан бирга, олма, узум навларини яхшилаш, етиштирган ҳосилларини қайта ишлаб, боғбон ва соҳибкорлар даромадини ошириш чора-тадбирларини ҳам кўришаётди.

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Сурғар Вилояти

Ховос тумани пиллачилари жорий йилда мўл ҳосил етиштирдилар. 731 қути ипак қуртидан 43 тоннадан ошқ "қумуш тола" хирмони бунёд этилди. Ҳар қути ипак қуртидан ўртача 55 килограмдан сара ҳосил йиғиб-териб олинди.

ХОВОСЛИК ПИЛЛАЧЛАРИНИНГ МЎЛ ҲОСИЛИ

— Бу йил қўқламнинг салқин ва серёмғир келганиги ипак қурти бокучилари учун кўп қулайликлар яратди, — дейди "Ховоспилла" масъулияти чекланган жамияти вакили Соҳибжон Ашуров. — Тут барглари дағаллашмай ипак қуртлари озукага яхши тўйинди. Хоналарда ҳароратнинг меъёрида сақланганлиги эса мавсум муваффақиятли бўлишини таъминлади. Айни вақтда пиллачилар меҳнати рағбатлантирилиб, илгорларга озик-овқат ва бошқа маҳсулотлар тарқатилди. Айниқса, тумандаги "Фарход", Э.Қаҳорнов номи сув истеъмолчилари уюмалари ҳудудидида фермер хўжалиқлари пиллачилар оқсак хирмон яратдилар. "Зарафшон", "Жўрабобо", "Наврўзобод" фермер хўжалиқларининг пиллачилари ҳар қути ипак қуртидан 60-65 килограмдан ҳосил олишди.

Қабул масканига келтирилган пиллачи пешмапеш саралаб қуриштиришда лаборант Шарофат Эрматова, сараловчи Шоҳсанам Шербўтаева, Зухра Ҳакимова, ҳосилот Дониёр Жамолов, Эгом Шодмоновлар алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ

ФАРҒОНАДА КЎРИШГҮНЧА ХАЙР!

(Боши 1-саҳифада) Мамлакатимизда олтинчи бор ўтказилган Универсиада нафақат Ўзбекистон спорт тарихида катта воқеа, балки барча жаҳаларда эришган ютуқлари билан Ватанимиз шарафини улуғлашга қодир ёшларимизнинг том маънодаги ёшлик ва гўзаллик байрамига айланди. Истиқлол йилларида умидли спортчиларимиз халқаро миқёсда юртимиз обрў-эътиборини янада юксалтиришга, ҳеч қимдан кам бўлмаган авлоднинг воғга етказилган мамлакатимиз ва халқимизни бутун дунёга янада кенг таништиришга хизмат қилмоқда.

"Универсиада – 2013" республи-

ка спорт мусобақалари universiada.uz сайтида ўзбек, рус, инглиз, немис, француз, итальян, испан, корейс, япон, хитой тилида ёритилди. Уч кун давомида дунёнинг қирқдан ортиқ давлатидан ўн минглаб спорт мухлислари Универсиада беллашувларини ушбу расмий сайт орқали кузатиб борди.

"Универсиада – 2013" дастури доирасида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар – таниқли спортчилар, шoir ва ёзувчилар, санъат арбоблари билан учрашувлар, қадимий ва навқирон Бухоро шаҳрининг диққатга сазовор жойларига сәҳафталар, шоу-концертлар ташкил этилди. Айниқса, Бухоро маданий мар-

кази, ундаги "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументи талабаларда унутилмас таассурот қолдирди.

...Стадион узра майин мусиқа садолари янграйди. "Универсиада – 2013" республика спорт ўйинларининг байроғи туширилади. Уни буюроқлик спортчилар олий ўқув юрталари талабаларининг навбатдаги финал мусобақасига мезбонлик қиладиган Фарғона вилояти вакилларига топширади.

— Навбатдаги Универсиаданинг финал босқичи Фарғона вилоятида ўтказилиши биз учун юксак шарафдир, — дейди енгил атлетика бўйича олтин медал соҳиб Достон Сайдалиев. — Уч босқичли узлук-

сиз спорт тизимининг юқори бўғини бўлган талабалар мусобақаси бизнинг вилоятимизда ҳам юқори савияда ўтишига ишонамиз.

Мусобақа машаласи аста-секин сўнади. Бироқ у қатнашчилар қалбига жо бўлиб, уларнинг катта спорт сари йўлини ёритиб, янги ва янада улкан ютуқларга чорлайверади.

"Универсиада – 2013" спорт мусобақаларининг ёпилиш маросими спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ва санъаткорларнинг катта концерти билан якунланди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ, Эркин ЁДГОРОВ, ЎЗА махСУС мухбири.

ФЕРМЕР ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАН МАНФААТДОР

Республикамиз қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиладиган ерлар умумий майдонининг 9,7 фоизини сўғориладиган ерлар ташкил этади. Улардан фойдаланишда фермер хўжалиқлари ўзларининг илмий, амалий, техникавий, иқтисодий ва ташкилий имкониятларини биринчи навбатда, туПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ КЎТАРИШ ҲАМДА ЯХШИ САҚЛАШНИ ЭНГ МУҲИМ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА СИФАТИДА КЎРИШИ КЕРАК.

Амалдаги қонунларимизга кўра, ер умумийлиги бойлик ҳисобланади. Ундан оқилона, илмий ҳамда амалий асосланган тарзда тўғри фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофазат қилинади. Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси туПРОҚ муҳофазасини таъминлаш заруратини тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 82-моддасида ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофазат қилишнинг иқтисодий рағбатлантириш тартиби белгиланган.

Унга кўра, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг туПРОҚ унумдорлиги сақланиши ва тикланишидан, ерлар ишлаб чиқариш фаолиятининг салбий оқибатларидан ҳимоя этилишидан манфаатдорлигини оширишга қаратилган бўлиб, **биринчидан**, янги ўзлаштирилаётган ва мелиоратив ҳолати яхшиланаётган мавжуд сўғориладиган ерларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер солиғи бўйича

имтиёзлар беришни, **иккинчидан**, ерларни муҳофазат қилиш ва қайта тиклаш бўйича фаолиятни амалга ошираётган юридик ҳамда жисмоний шахсларга кам чиқим, ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этишда солиққа, кредитга оид ва бошқа имтиёзлар беришни ўз ичига олади.

Шунингдек, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддаси фермер хўжалиқлари кичик ҳамда хусусий корхоналар учун берилган имтиёзлар ва преференцияларнинг барча турларидан фойдаланиш мумкинлиги тўғрисидаги норма билан мустаҳкамланган. Бундан ташқари, мазкур Қонуннинг 29-моддасида фермер хўжалиқларини давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш назарда тутилган. Унга кўра, **биринчидан**, давлат фермер хўжалиқларининг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишни кафолатлайди; **иккинчидан**, давлат органлари фермер хўжалиқларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашишлари шарт.

ТуПРОҚ унумдорлигини оширишни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 11 апрелдаги "Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашеси етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида"ги қарорига кўра, бюджетдан хўжалиқларнинг махСУС ҳисобрақамига тушган молиявий қўллаб-қувватлаш маблағлари, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича қарздорликни, банк кредитлари ва иш ҳақи, шунингдек, пахта хомашеси етиштириш, сотиб олинган моддий-техника ресурслари ва кўрсатилган хизматлар учун қарзларни тўлаш, келгуси йил ҳосили учун сотиб олинган ресурслар ва кўрсатилган хизматларга олинган тўловларни амалга ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини ва хўжалиқнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Маълумки, туПРОҚ инсоннинг яшаши учун энг зарур, ҳеч нараса билан алмаштириб бўлмайдиган ресурс ҳисобланади. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда туПРОҚ унумдорлигини ошириш ва сақлаш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда олиб бориладиган ишларни янада ривожлантириш керак. Бунинг учун, ерларга ишлов

бериш ва фойдаланишда агро-техник ишларни илмий ва амалий тажрибалар асосида олиб бориш, органик, минерал ўғитни туПРОҚни турига қараб тақсимлаш, сўғоришни туПРОҚ ва экинлар турига қараб ташкил қилиб, ерлар шўрланишининг олдини олиб, шўр ювиш ишларини ўз вақтида амалга ошириш лозим.

Сўғориладиган ерлар унумдорлиги пасайишининг олдини олиш, сақлаш ва оширишда биринчи навбатда, туПРОҚларнинг унумдор, яъни гумуз қатламни органик ва минерал ўғитлар билан ўз вақтида, экинларнинг турига қараб, мейёрларини белгилаб, тўлдириб бериш керак. Бунда агро-техник ишларни сифатли ва ўз вақтида ўтказиш мумкин. Қишлоқ хўжалиги экинлари туПРОҚ турларига ҳамда экин турига қараб, сув лавимлари илмий ва амалий тажрибаларга, тажрибаларга асосланган ҳолда белгиланиб сўғорилса, шўрланиш жараёнлари ҳисобга олиниб, зарур мелиоратив тадбирлар олиб борила, ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади ва иқлимчи шўрланишининг олдини олишга эришилади.

Шу билан бирга, туПРОҚ унумдорлигини муҳофазатлаш ва қайта тиклашга қаратилган ишларнинг бажарилишида етказилган зарарни қоплашдан ер эгалари мажбуриятини доимий тарзда назарда тутиш керак. ТуПРОҚ унумдорлигини оширишга эришилган ҳудудларда эса фермер хўжалиқ-

ЮКСАК ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

(Боши 1-саҳифада) Маросимда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва ҳасос шоира Саида Зунунунанинг магнит лентасига муҳрланиб, тарих мулкига айланиб қолган сўзлари катта қизиқиш билан тингланди. Маросим сўғида ҳайкал пойига гулчамбарлар қўйилди.

Бу гузал ёдгорлик ўзида ифода этган таъсирчан бадиий мазмуни ва чуқур ҳаётий фалсафаси билан юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодимизни маънавий уйғоқликка, ҳаётга янги

назар, янги тафаккур билан қарашга, беғамлик ва беларволикка йўл қўймасдан, доимо оғох, ҳар томонлама сезир ва уйғоқ бўлиш, яқин ва узоқ тарихдан ҳулоса чиқариб, мустақиллигимизнинг аҳамияти ва қадриятини янада тереинлаштириш ва уйғоқ бўлиш, асраш ва ҳимоялаш йўлида фидойилик кўрсатиб яшашга даъват этади.

Тантананда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

ЎЗА

БОБУРШУНОСЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

(Боши 1-саҳифада) Бобур ва бобурийлар ҳақида хорижда яратилган юзлаб бадиий, илмий, тарихий маънавий ўрганилди, кўплаб асарлар ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Шоир ва ёзувчиларимиз, тарихчи олимларимиз томонидан бу мавзуда кўплаб асарлар яратилди. Юртимизда илк бор «Бобур энциклопедияси» тайёрланди.

Анджун шаҳрининг маркази ва Бобур номи билан аталувчи маданият ва истироҳат боғида бобомизнинг порлоқ сиймоси акс этган ҳайкаллар бунёд этилди. Йигирма йилдан зиёд вақт мобайнида фаолият юритиб келаётган Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ва унинг илмий экспедицияси томонидан Бобур ва бобурийлар меросини ўрганиш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилди.



Шу йилнинг 10-11 июнь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган «Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданияти тарихида туган ўрни» мавзусидаги халқаро конференция ҳам улғу ватандошимизнинг ҳаёти ва ижодий меросини ўрганишга қаратилган муҳим тадбирлардан бири бўлди. Бобур Мирзо таваллудининг 530 йиллигига бағишланган мазкур конференцияда юртимиз олимлари билан бир қаторда Германия, Япония, Миср, Хиндистон, Покистон, Венгрия, Эрон, Россия, Туркменистон, Озарбойжон, Қозғоғистон, Қирғизистон сирари давлатлардан келган тарихчи олим ва мутахассислар иштирок этди.

Ялпи мажлисдан сўнг учта шўбада давом этган анжуман ишида Бобур ва бобурийлар, шунингдек, юртимиз, хусусан, адабиётимиз ва санъатимиз тарихига бағишланган саксондан зиёд қизиқарли маърузалар тингланди.

— Бу каби халқаро илмий анжуманлар нафақат халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга, балки Ўзбекистон ва Хиндистон жаҳон тамаддуни марказларидан эканини яна бир бор кенг намоён этишга хизмат қилади, — деди Рағмур Раҳо кутубхонаси директори, профессор Азизиддин Ҳусайн (Хиндистон). — «Бобур девони»нинг кўлемли нусхаси кутубхонамиздаги энг ноёб ва қадрили манбалардан бири. Бу асар бизга Бобурнинг буюк қалбидан — ҳар доим эзулганка ишониб яшаганидан сабоқ беради.

Мазкур илмий-амалий конференцияда кейинги йилларда бобуршуносликда қўлга киритилган жиддий ютуқлар билан бирга, бу соҳадаги муҳим ва долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Анжуман иштирокчилари Бобур Мирзо ва унинг аждод-авлодлари меросини илмий асосда чуқур ўрганиш ишлари бугунги кунда Ўзбекистонда намоён бўлаётган маънавий тикланиш ва юксалиш жараёнлари билан уйғун ва ҳамоҳанг тарзда амалга оширилаётганини таъкидладилар.

ЎЗА

ҚОНУН ВА ИЖРО

қаторда, туПРОҚда органик модда ва озука элементлари захирасини кўпайтиради. Бу орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлиги ошади.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг туПРОҚ унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш масаласига оид ҳуқуқий муносабатларни янада чуқурроқ ўрганиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. ТуПРОҚ ҳолатини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, илмий ва амалий тажрибаларни қўллаб, туПРОҚ унумдорлигини ошириш олди-мизда турган муҳим вазифа. Бу эса иқтисодий барқарорликка эришишни истаган ҳар бир фермер хўжалигининг асл мақсади бўлиши лозим.

Фермер хўжалиқлари учун мўлжалланган имтиёз ва рағбат-лантиришлари янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун амалдаги Ер кодекси, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонун ва қишлоқ хўжалиги муносабатларини тартибга солишчи бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига туПРОҚ унумдорлигини оширган фермер хўжалиқларига бериладиган имтиёзларни кенгайтиришни назарда тутишчи бўлиши лозим бўлади.

Фахриддин КОМИЛОВ, Абдухалик ЖАББОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты.

КЕНГ ҚАМРОВЛИ КОРХОНА

Самарқанд тумани маркази – Гулободда фаолият кўрсатётган "SAM ROS XOLOD" қўшма корхонасида замонавий қурилиш материаллари – уч қатламлик деворбоп ва том ёпиш учун сэндвич-панеллар, профнастил, пенополистирол маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Германиядан келтирилган 5 минг тонналик сифимдаги музлаткичда эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланади. Замонавий ва ҳар томонлама тежамкор ускуналар ишлаб чиқариш қуввати ошиб боришига, маҳсулот таннарининг пасайишига хизмат қилади.

Корхона 2009 йилнинг апрель ойида ташкил топган. Уша йили корхона 53 нафар ишчи билан иш бошлади. Орадан бир йил ўтиб, ишчилар сони 74 нафарга етди. Бугун эса корхонада 100 нафардан зиёд киши меҳнат қиляпти. Ишлаб чиқариш, олинаётган даромад ҳам шунга мос равишда ошиб бормоқда. Масалан, 2009 йилги даромад 57 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йилда даромад микдори 1 миллиард сўмга етди. Кейинги йилларда эса бу рақам икки бараварга ошди. Корхона 2010 йилдан ўз маҳсулотларини экспортга чиқара бошлади. Шу йилнинг ўзида 323 минг АҚШ доллари микдорида маҳсулот экспорт қилинди.

Самарқанд тумани асосан мевасабзавот етиштиришга мўлжалланган. Бобгону миришкорлар олма, шафтоли, ўрик, анжир каби мевалар, картошка ва сабзавот, полиз маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштириш ҳадисини олишган. Вилоятдаги дастлабки интенсив боғлар ҳам айнан мазкур туман ҳудудида яратилди. Бугун эса бу боғлар болга тўлган. Ҳатто, маҳсулотнинг бир қисmini экспортга чиқаришга ҳам эришилмоқда.

"SAM ROS XOLOD" эса тумандаги фермер хўжаликлари билан ижара шартномаси асосида ишлаб, каттагина даромад кўрмоқда. Масалан, айни пишиқчилик пайти узумнинг нархи 800-1000 сўм бўлса, 6 ойдан сўнг бозорда бу нарх 3-4 бараварга ошади. Лекин корхона ва фермерлар ўртасидаги ижара шартномаси туфайли сақланаётган маҳсулот баҳосининг бу даражада ошиб кетишига йўл қўйилмади. Аввало, замонавий музлаткичда маҳсулот сифатли сақланади, шу боис бозорларда маҳсулот нархи кўтарилиб кетишининг олди олинади. Нафақат узум, балки бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақлиниши ва сотилишида ҳам шундай қоидага амал қилинади.

– Янги технологиялардан умумли фойдаланамиз, – дейди қўшма корхона раҳбари Акбар Шарапов. – Банклардан имтиёзли кредитлар олиб, цехларга Хитойда ишлаб чиқарилган "EPS Sandwich Panel Production Line" русумли линия ўрнатдик. Уларда пенопласт хомашидан сэндвич-панель, профнастил ишлаб чиқарилади. Туркияда ишлаб чиқарилган замонавий совутиш ускуналари хоналарда ҳароратни -18 дан +5 даражагача сақ-



лайди. Бу эса мевасабзавот маҳсулотларининг сифатли сақлинишида кўл келади. Бугун корхонада қурилиш материаллари энг замонавий технология асосида тайёрланмоқда. Деворбоп ва том ёпишга мўлжалланган сэндвич-панеллар қурилиш учун ҳар хилдан қўлай. Уларни ташинди ҳам, ўрнатишда ҳам ортиқча қийинчиликларга дуч келинмайди. Маҳсулотнинг сифатлиги эса, энг аввало, фойдаланиладиган хомашёга боғлиқ. Корхонада асосий хомашё пенопласт ҳисобланади. Сабаби, у ёнгина ўта бардошли.

Корхонанинг сифатли маҳсулотлари мамлакатимизнинг турли ҳудудларига жўнатишмоқда. Айниқса, "Навий" эркин индустриал-иктисодий зонаси ва Қашқадарёнинг Деҳқонбод шаҳарчасида бунёд этилаётган корхоналарда "SAM ROS XOLOD" қурилиш материалларига эҳтиёж катта. Бундан ташқари, корхонада иш-

лаб чиқарилаётган профнастилдан том ёпишда, пардевор, вақтинчалик тўсиқ, унча катта бўлмаган девор сифатида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, меваларни қадоқлаш ва сақлаш учун турли сифимдаги пластмасса идишлар ишлаб чиқарилиши ҳам йўлга қўйилган. Қўшма корхонада маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш борасида жиддий ҳаракатлар кўзга ташланади. Айни пайтда ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашё 70 фоизни ташкил қиляпти. Келгусида эса бу кўрсаткич 75-80 фоизга кўтарилиши режалаштириляпти. Айтиш мумкинки, йил сайин корхона ишлаб чиқариш қуввати ошиб, унинг камрови кенгайиб бормоқда. Масалан, кейинги уч йилда бу ерда 12,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Корхонада янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш йўлидаги изланишлар давом этмоқда.

Абдурашул САТТОВОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

«KO`SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ФАРГОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Қўштепа тумани ҳокимининг 28.05.2013 йил кунги №134-01-16/2-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Кичик ҳажмдаги футбол майдони ва савдо дўкони қуриш учун Қўштепа тумани Қўштепа ҚФЙ Қамиштепа қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости ер майдони 1 650 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Хуқуқнинг минимал қиймати - 602 784 сўм. Қурилиш муддати 1 йил.

